

# **Табиий ва ис газидан заҳарланишнинг олдини олиш бўйича тарғибот тадбири бўлиб ўтди**



Шу муносабат билан, Шеробод тумани “Хўжги” маҳалласидаги аҳоли турар жойларида "Шерободтумангаз" газ таъминоти бўлими ходимлари аҳоли хонадонларини ёнғин хавфсизлиги ҳамда ис газидан заҳарланишнинг олдини олиш бўйича тарғибот ва профилактик текширувлар ўтказишди. Профилактик текширув давомида фуқаролар томонидан мурожаат этилган камчиликлар "Шерободтумангаз" газ таъминоти бўлими сервис хизмати чилангарлари томонидан жойида бартараф этилди ҳамда эслатмалар тарқатилди.